

Германияда масжидга ҳужум уюштирилди



10:30 / 06.07.2019 1414

Германиянинг Гамбург шаҳри яқинидаги «Вайсал Қароний» номидаги масжидга чоршанба куни номаълум шахслар томонидан ҳужум уюштирилган. Бу ҳақда iqna хабар беради.

Жиноятчилар Қуръони каримни нопок жойларга ташлаб, унга нисбатан беҳурматларча муносабатда бўлган. Масжид биносига жиноятчилар томонидан жиддий шикаст етказилган. Ҳужум вақтида масжидда намозхонлар бўлмаган.

Фленсбург полицияси департаментининг хабар беришича, воқеа тафсилотлари ҳақида масжидга қилинган ҳужум бўйича тергов давом этмоқда. Полиция воқеадан хабардор фуқароларга мурожаат этиб, ҳодисани аниқлаштиришда ёрдам беришга чақирган.

Islom.uz портали таҳририяти